



## **ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ БУХОРО БЎЛИМИ ТАРИХИ**

**Ахматов Амонкелди Ҳасанович**  
**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), БухДУ**

**Аннотатсия:** Ўзбек адабиёти тарихида XX асрга қадар ижодкорларни бирлаштирган ягона ташкилот бўлмаган. Бухоролик адиб Абдурауф Фитрат ташаббуси билан тузилган “Чигатой гурунги” бу йўлдаги биринчиси эди. Мустабид совет ҳукуматининг бошқарувни қўлга олиши билан амалга оширган сиёсий тадбирларидан бири адабий муҳитни бошқариш бўлди. Ижодкорларни жамлаб уларнинг иқтидоридан ўз сиёсатини тарғиб қилишда қурол сифатида фойдаланиш учун турли тадбирлар амалга оширди. 1934 йилга қадар тажриба–синов вазифасини ўтаган турли ташкилотлар тузилди. Ва ниҳоят СССР Ёзувчилар уюшмасининг ташкил қилиниши билан совет ҳукумати адибларни ягона қолип остида сақлаб турадиган формулани яратди. Шунингдек, ушбу ташкилотнинг республикаларда ҳам бўлимлари ташкил қилинди. 1934 йилда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳам ташкил қилинди. Шу йилнинг кузида Бухоро вилоятида ҳам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Бухоро бўлими тузилди.

**Таянч сўзлар:** *Адабий муҳит тарихи, адабий ҳаракатчилик, Ёзувчилар уюшмаси, мустабид советлар, Фитрат, Чигатой гурунги, Муҳаммадҷон Васфий, шеърят, фолклор, қатагон, СССР.*

**Abstract:** In the history of Uzbek literature, there was no single organization uniting artists until the 20th century. "Chigatoy Gurungi" created by the initiative of Bukhara writer Abdurauf Fitrat was the first in this way. One of the political measures implemented by the Soviet government when it came to power was the management of the literary environment. He gathered creative people and carried



out various activities to use their talent as a weapon in the promotion of his policy. Until 1934, various organizations were created that served as an experiment. And finally, with the establishment of the Union of Writers of the USSR, the Soviet government created a formula that kept writers under a single mold. Also, branches of this organization were established in the republics. In 1934, the Union of Writers of Uzbekistan was also established. In the autumn of this year, the Bukhara branch of the Writers' Union of Uzbekistan was established in the Bukhara region.

**Key words:** *History of the literary environment, literary activism, Writers' Union, Soviets, Fitrat, Chigatay Gurungi, Muhammadjon Vasfi, poetry, folklore, repression, USSR.*

**Kirish (Introduction):** XX аср 30 йилларида Бухоро адабий муҳити тамомила янгича кўринишда намоён бўлди. Тарихий адабий анъаналарга хос услублар ўрнини янги тур ва жанрлар эгаллаб социалистик мазмунга ўтди. Асарларда совет кишисининг образини яратиш, ўтмиш тарихни қоралаш октябрь инқилобини улуғлаш ҳар бир ўзбек ёзувчиларининг ижодида асосий ўрин эгаллади. Турмуш билан чамбарчас боғланиш, замонавий мавзуларга қизиқиш ўзбек адабиёти каби Бухоро адабиётининг ҳам ўша даврдаги энг характерли белгиси бўлди.

**Adabiyotlar tahlili va metod (literature review):** Ушбу мавзунини ёзишда асосан архив материаллари ва қисман матбуотдан фойдаланилган. Мавзу юзасида муаллиф (Амонкелди Ахматов) бир қатор бошқа мақолалар ҳам ёзган. Мавзунини ёритишда Ўзбекистон Миллий архиви ҳамда Бухоро вилоят давлат архивидан фойдаланган. Кўп минг йиллик Бухоро адабий муҳити тарихида ўтган асрнинг 20 йилларидан кўплаб зиёлиларнинг вилоятни тарқ этиши алоҳида тадқиқот мавзуси бўлади. Адибларнинг миграцияси бир қатор



муаммоларни юзага келтирди. Адабий муҳит айниқса тажрибали вакиллари билан маҳрум бўлиши билан бирга Самарқанд, Тошкент, Душанбе шаҳарларидан қўним топган адиблар ўрнини ёш ҳаваскор ижодкорлар эгаллади. Уларнинг сафида Султон Жўра, Муҳаммаджон Мухторов, Теша Мирфайзиев, Абул Бозоров, Қурбон Бадалилар бор эди.

**Muhokama(discussion):** ВКП(б) Марказий комитетининг “Адабий бадий ташкилотларни қайта қуриш тўғрисида” 1932 йил 23-апрелдаги қарори ўзбек адабиётини, шу жумладан, Бухоро адабий муҳитининг кейинги ривожланишида асосий рол ўйнади. Қарорда адабий муваффақиятлар қайд қилиниб, адабий бадий ташкилотларни қайта қуриш, “Совет ҳокимиятининг платформасини қўллаб қувватлаётган ва социализм қурилишига интилаётган барча ёзувчиларни совет ёзувчиларининг ягона союзида бирлаштириш” зарурлиги такидланади. ВКП(б) марказий комитетининг бу қарори ҳамда совет ёзувчиларининг I Бутуниттифоқ ва I Республика сездлари (1934) қабул қилган қарорлар Бухоро адибларининг ижодини кейинги тақдирида дастуруламал бўлди. 1933 йил йиғилишларда Формализм ва натурализмга қарши курашга бағишланган. Бунда ёзувчи ва шоирларнинг ижодлари нутқлари таҳлил қилинган [3:18-варақ].

XX аср 30 йилларида Бухорода ёзма адабиёт билан бир қаторда халқ оғзаки ижоди давом этар, халқ орасидан вакиллар фаолияти кузатилади. Ўзбекистон совет ёзувчилар союзи 2 пленумидан кейин фольклор материалларини тўплаш иши бошланди. Колхозчи Раҳим бобо, ишчилардан “Бехат Аҳмад”, Бақожон каби халқ оғзаки шоирлари танлаб уларнинг ижодий ишларига ёрдам бераётирмиз [3:17-варақ] - дейилади ҳисоботда.



1930-йиллар Бухоро ёзувчилари ва шоирлари учун кенгайиш даври бўлди. Уларнинг сафларига янги талантлар – Муҳаммаджон Васфий, Рано Узоқова, Теша Мирфайзиев сингари ёшлар кириб келдилар. Улар ҳам ўз ижодларида ўзбек халқининг октябр революцияси туфайли озодликка эришиб, коммунистик партия раҳбарлигида бахтли турмуш кечираётганлигини, совет кишиларининг қаҳрамонона меҳнатини, халқлар дўстлигини тараннум этдилар, партияни шарафладилар. Социализм қуриш, индустриллаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, мамлакатнинг муҳофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун кураш ўзбек ёзувчилари асарларининг асосий мавзуси бўлди. Бухоро адаблари рус адабиёти классикаларинининг иттифоқ халқлари ёзувчиларининг энг яхши асарларини халққа ёйиш соҳасида катта иш олиб бордилар. Адабий муҳит вакиллари шаҳар ва қишлоқларни кезиб сиёсий жараёнларда фаол иштирок қиладилар. Колхозларни ташкилий томондан мустаҳкамлашда фаол бўлдилар. Москвада тажриба орттирган зиёлилар айниқса тарғиботларни олд каторида эдилар [1:6-варақ].

Ёшлар билан ишлаш ва уларни тарбиялаш ишини муттасил равишда назоратда бўлган. Айниқса уларнинг ёзаётган асарларига партиявий ғоялар асосида ғамхўрлик билан қаралиб консультация кучайтирилган. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда корхоналарда ва йирик колхозларда адабий тўғарақлар тузилиб тажрибакор ёзувчиларни уларга бириктириб қўйишни амалга оширилган.

1932 йилги кўплаб саводсизликни тугатиш курсларининг ташкил этилди. Бухоро шаҳрининг ўзида 48 жойда саводсизликни тугатиш курслари очилди[1:4-варақ]. Ўқув курсларига биринчидан ўқитувчилар топиш ва жалб



қилини, иккинчидан дарсларга ўқувчиларни чорлаш ишларида мураккабликлар юзага келган. Ашур Бозоров сингари зиёлилар кенг тарғибот олиб бордилар.

1937 йил 12-сентябр Бухоро шаҳар партия комитети йиғилиши бўлади. Йиғилишда Ички ишлар бўлимнинг бошлиғи Високенский бир қатор адибларга бўхтонли айблар кўяди [1:7-варақ]. Шаҳар партия комитетининг секретари Ҳамдам Тожиев юқоридаги адибларни ва зиёлиларни партиядан чиқариб юборган [8-варақ].

”Баҳромов, Носиров сингари ички ишлар бўлими ходимлари уларнинг хонадонида тинтувлар уюштирадилар. Ички ишлар бўлими бош терговчиси Семёнов бошчилигидаги гуруҳ сўроқ олиб борган. Терговларда ўйлаб топилган сохта айбларга иқроқ бўлишга мажбур қилинган. Шахсга сиғиниш тазйиқи ўз таъсирини ўтказиб жамиятни зиёлилардан тозлаш ишлари кечаю кундуз давом этган. Сўроқлар давомида турли қийноқлар ва сохта гувоҳлар уюштирилиб айбдор деб топилган кўплаб фидойи инсонлар турли жазоларга йўлиқган” .[1:9-варақ]

Ушбу терговлар бошида турган ССР Олий суди ҳарбий коллегияси раиси Алексеев буйруғи билан зиёлилар 10 йилгача озодликдан ёки 5 йилгача турли ҳуқуқлардан маҳрум этилган. Оренбург, Калима (Чукотка) конларига сургун қилинган. Лагерларда ҳаёт ниҳоятда оғир ва совуқ бўлган [1:11-12-варақ].

ВКП(б) МҚнинг 23 апрел қароридида айтилган яғодачи душманларга қарши курашиб келди. ВКП(б) МҚнинг феврал март пленуми қарорлари Сталин марузаси шу жумладан, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ВИИИ қурултойи ва унинг қарорлари бутун адабиёт жамоатчилигини совет



ёзувчиларини партия теварагига маҳкам уюштирди. Бу қарорлар адабиёт жамоатчилигини ижодий курашларга сафарбар қилишга руҳ берди. Бу фронтда болшевиклар ҳушёрлик билан адабиёт соҳасидаги душманларни фoш қилиб йўққа чиқарди. Бу назария сиёсий раҳбарларда айрим ёзувчиларда сиёсий беғамликни туғдурди. Натижада совет адабиёти соҳасида Ўзбекистон бўйича маълум Анқабой, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Фитрат, Зиё Саид, Чўлпон Элбеклар ҳам Ўзбекистон ёзувчилари қаторидан ҳайдалди.

А.Икромов 6-советлар курултойида шундай дейди: “Совет ҳукуматига актив қарши курашган совет чигатой адабиётини тузиб, Қизил қаламда бўлган ёт унсурлар билан, синфийлар билан қаттиқ курашлар натижасида адабий меросдан фойдаланиш Чигатой адабиёти тузишга ҳаракат қилган бандитларнинг ҳаракатларига қаттиқ зарба бериш натижасида биз бугунги ўсишларга эга бўлдик” [4:8-варақ].

Театр ҳам миллатчилар синфий душманларга қарши кураши уларнинг сирини фoш қилиш асосида ўсди юксалди. Ниҳоят ўзбек совет адабиёти етакчили ишларида қисман бирмунча кўзга кўринарлик ишлар қилди.

Ёшлар кўплаб қабул қилинди. Улар яхши асарлар ёза бошлади. Пушкин асарлари таржима қилина бошланди. Энг қимматлиги шундаки ёзувчилар партия атрофига уюшди. Ватанга партиёга мамлакатга бўлган муҳаббат садоқат ҳеч сўзсиз борган сари ўсди[4:10-варақ].

*Протокол № 1: 1937 йил 23 апрел да Бухоро совет ёзувчиларининг союзи орг бюро мажлиси бўлган. Базаров З, Ташбаев, Қурбон Бадал, М.Раҳимий, Ҳайитов, Васфий қатнашган.*



*Кўрилди: Союз секретари ўртоқ М Васфий нинг союз ишлари юзасидан ҳисобот доклади.*

*Қарор: Союз секретари Мухторов Васфий бўшатишга унинг союз ишларини ҳар томонлама дан юқори кўтариш учун бутун имкониятлар берилишига қарамай союз ишини издан чиқарган яъни ҳеч қандай иш олиб бормагани қайд этилсин.*

*1. Ёзувчилардан оммадан узоқлашгани тарбиявий, оммавий ишлар сира бўлмагани учун ўртоқ васфий вазифасидан бўшатишсин.*

*2. Союз ишларини олиб боориш учун союзнинг секретари вазифасига ёзувчилардан ўртоқ қурбон Бадал тайинлансин*

*3. Союзнинг янги секретари Қурбон Бадал тездан расмий иш планига салендар план тузиб чиқиб топширсин. Ёзувчиларнинг аниқ ҳисобини олиб ишлаб чиқариш корхоналари, колхозларда оддий кружоклар ташкил қилиш билан тезда союз ишини изга солиб бурилиш ясаб топширсин.*

*4. Союз учун алоҳида жой бериш горком култрдан сўралсин*

*5. Партия марказқўмнинг адабий бадиий ташкилотларини қайта қуриш тўғрисидаги тарихий 23–апрел бутун ёзувчилар санъат адабиёт ходимлари ўртасида муҳокама қилинсин [5:3,4-варақ].*

*Ойдин ёшларнинг ижод намуналарини кўриб жавоб қайтариб турган. Унга ҳикоя шеърлар юборишган масалан: 31.3.1937 йил хат келади Файзийдан. 10.4.1937 Ойдин хатга жавоб ёзади. Шеърни “Совет адабиёти” журнаliga бергани ҳақида[5:5-варақ]*

*Бухоро ёзувчилар бўлимининг идора адреси эски Бухоро шаҳар регистон кўчаси “Бухоро пролетари” босмахонасидадир. Бухоро ёзувчилар союзи котиби М.Васфий Ўзбекистон ёзувчилар союзи секретарига хат ёзади*



1937 йил 2 мартда [5:6-варақ]. Хатдан маълум бўляптики ёзувчилар союзи хатларни эски манзилга юборган натижада базан хатлар келмай қолган. “Адресс г. Бухоро ул. Регистон Редакция газета “Бухоро пролетари” Союз писателей” – деб юборилиши сўралган.

*“Ўзбекистон совет ёзувчилар уюшмаси Фатхуллинга.*

*Сизнинг 1935 йилги мактуб бўйича 1936 йилги Бухоро совет ёзувчиларининг союзи ўзининг харажатлар сметасини тузиб шаҳар совети молия шўбасига ва нусхасини марказий союзга юборган [3:10-варақ].*

*Шу хатга Фатхуллин жавоб берган. Унга кўра “пул бериш сўрабсиз бера олмаймиз. Лекин Файзулла Хўжаевга кирамиз тезда ҳал қиламиз” дея жавоб қайтарилган” [3:20-варақ].*

**Natijalar (Results):** Йиғилишларда синфий душманлар ҳақида сўз боради. Улар адабий муҳитга кириши ва аҳолини бузиши ёш шоирларни паришонликка қўйиш хавфини олишга чақирилади. Оқибатда: “Газета саҳифаларида турмуш ҳодисалари устида кам шеърлар кўринди. Ёзувчи шоирлар газетада иштироки камайди. Газеталаримизда бизнинг поезиямизда кўпгина шундай шоирлар кўпайиб кетдики, улар ўзининг бадиий кучсизлиги ғоявий томондан ўқувчининг миёсида сиёсий ғоявий из қолдира олмади. Жамиятнинг талабидан узоқ турган ҳар хил ёзувчилар ўзининг шахсий тажрибасига оид бўлган шеърлар майдонга келиб тушди. Лекин биз асосан бунга қаттиқ зарба бердик ва бунга қарши қаттиқ кураш олиб боряпмиз” – дейилади архив материалларида [4:5-Варақ].

**Xulosa (Conclusion):** Хулоса қилиб айтганда, совет ҳукмронлигининг дастлабки ўн йиллигида Бухорода адабий муҳит тамомила коммунистик мафкура таъсирига бўйсундирилди. Юртнинг кўплаб фидойи фазандлари





катагон зулмидан азият чекдилар. XX аср 30 йилларида авж олган қатл ва сургунлар замонида ҳам адабий жараёнлар даврга мос равишда ҳаракатда бўлди. Жараёнлар янги шахс ва жанрлар билан бойиган ҳолда доимо ўсиб борди. Бироқ бу ҳол ҳам узоқ давом этмади. Олдинда уларни янада таҳликали қатагонлар ва сўнгра жаҳон уруши азоблари кутар эди.

### **Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)**

1. Бухоро давлат вилоят архиви, 1079-фонд, 1-рўйхат, 8 – иш.
2. Қораев Т. Танланган асарлар. –Тошкент.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. 312 б.
3. Ўзбекистон Миллий архиви, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 19-иш.
4. Ўзбекистон Миллий архиви, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 31-иш.
5. Ўзбекистон Миллий архиви, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 786-иш.
6. History of Bukhara Literary Environment in 1950-1960 s. [Middle European Scientific Bulletin](https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/index) <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.16.748>.
7. The Establishment of The Bukhara Regional Branch of The Writers' Union Of Uzbekistan (Based On Archival Materials). Central Asian Journal Of Social Sciences And History Volume: 02 Issue: 04 | April 2021 (ISSN: 2660-6836) Journal homepage: [www. http://cajssh.centralasianstudies.org/index.php/CAJSSH](http://cajssh.centralasianstudies.org/index.php/CAJSSH).